



Савол:

Пайпоқда йиртиқ бор бўлса ёки у шаффоф бўлса, унга масх тортиш мумкинми?

Жавоб:

Алҳамду лиллаҳ, вас-солату вас-саламу ала расулиҳи ва алиҳи ва соҳбиҳи, ва баъд.. Модомики, уларни таҳоратли ҳолда кийган бўлса ва йиртиқлар урфга кўра кенг-катта деб билинмаса, ёки пайпоқ ўта шаффофлигидан оёқлар яланғоч ҳукмида бўлиб қоладиган ва улардаги қизиллик ё қоралик кабилар аниқ кўриниб турадиган бўлмаса, таҳоратда уларга масх тортиш жоиз бўлади. Тавфиқ Аллоҳдандир. Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга ҳамда у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар йўлласин.

(Илмий Тадқиқотлар ва Фатво бериш Доимий Қўмитаси: 5/246)